*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 21 март, сешанба • № 23 (10.699) • Эркин нархда сотилади

# ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, НАВРЎЗ!

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Юртимизга улуғ айём — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Наврўз — баҳор ва гўзаллик байрами, ёшариш ва янгиланиш байрами.

Наврўз айёмини — табиат уйғонадиган ойни ўтмишда яшаган боболаримиз «Улуғ ой» ёки «Умид ойи» деб атаганлари катта маънога молик. Чунким, баҳор келиши билан баракали ва мўл ҳосил олиш учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган бу ажиб даврда, нафақат табиат, балки инсон умидлари ҳам куртак очади, инсонлар дили покланади.

Наврўз қадим-қадимлардан халқимиз учун, диёримиз учун меҳру мурувват байрами бўлиб келган.

Бу улуғ айёмда бева-бечоранинг, етим-есирнинг ҳолидан хабар олиш, кўнгли яримларга таскин бериш — халқимизнинг энг буюк фазилатидир.

Бу улуғ айёмда эски гина ва аразлар унутилади, халқлар ва миллатлар жипслашади, ўзаро меҳру муҳаббат ҳукм суради, буюк ишларнинг режалари тузилади.

Халқимиз ибораси билан айтсак, ҳаёт — бизга худо ўлчаб берган омонат. Охир-оқибатни ўйлаб яшаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Биламизки, бойлигу давлат келади-кетади, аммо комил инсонлардан яхшилик қолади, ном қолади, савобли ишлар қолади.

Бугун ҳар бир диёнатли инсон: «Юртимиз тинч, халқимиз тотув бўлсин. Ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин, ҳар бир хонадон дастурхони тўкин-сочин бўлсин. Ҳар бир инсон бахтли-саодатли бўлсин», дея эзгу ният ва умидлар қилмоқда.

Ўзлигимизни англаб, миллий қадриятларимизни тиклаб, ота-бобомиздан мерос бўлиб қолган анъаналарни юксак кўтараётганимизнинг ҳам, олиб борилаётган халқчил сиёсатнинг ҳам маъно ва муддаоси аслида шу.

Ўзаро меҳру оқибатимиз кун сайин зиёда бўлиб, адолат қарор топса, поклик ва ҳалоллик одатга айланса — ана шундагина биз тилагимизга етамиз.

Бугунги улуғ айём кезларида яна бир фикрни баён этишга ижозат бергайсиз. Референдум — умумхалқ овоз бериши арафасида одамларимиз турли жойларда бугунги сиёсатимизга ўз муносабатларини очиқ-ойдин билдирмоқдалар.

Халқимиз бугунги мураккаб ўтиш даврида, шунча қийинчилик, етишмовчилик ва бошқа оғир ташвишларга сабр-тоқат билан бардош бериб, ўз якдиллиги ва ҳамфикрлиги билан жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдирмоқда.

Давлатимизнинг сиёсатига билдирилган ишонч ва хусусан, менинг шаънимга айтилган фикрларни ғоят юксак қадрлайман. Олижаноб халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан. Ва бугунги муқаддас байрам онларида чин қалбимдан айтмоқчиман: бутун умримни, бутун борлиғимни, керак бўлганда жонимни ҳам сизларга, халқимга бахшида этишга тайёрман!

Азиз дўстлар!

Бу йилги Наврўзнинг ҳам юртимизга қадамлари қутлуғ келсин!

Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Ҳар бир хонадондан меҳру оқибат, бахту саодат ва тинчлик-тотувлик асло аримасин!

Қилаётган эзгу ишларимизда Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

*26 март — умумхалқ Референдуми куни*

## ҲАММАМИЗ — ШУ ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

ЖОНАЖОН она-юртимизда энг гўзал байрам — Наврўз кезмоқда. Атрофга суқланиб боқасан, киши. Зотан, Ватан деганда ўзимиз яшаб турган жойларнинг кўрки, чиройи, ҳамюртларимиз қалбларидаги одамийлик, саховат, меҳр-муҳаббат — буларнинг барчаси руҳий бир қувват сифатида одамга ўзгача куч-қудрат, ҳузур-ҳаловат бағишлар экан. Зотан, ҳаммамиз — шу замин фарзандларимиз.

Яна бир гап. Шу кунларда ҳар бир киши яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлисимизнинг дастлабки анжумани, унда Юртбошимиз қилган сермазмун маърузa, шунингдек, Олий Мажлиснинг Президент ваколатларини 2000 йилгача узайтириш борасидаги қарори таассуротлари остида яшамоқда десам, муболаға бўлмайди. Чунки, ҳар бир одам ўзининг ўтмиши, ушбу куни, келажаги билан фахрланиши табиийдир.

Маърузани ўқиб чиқдиму, қалбимда қандайдир бир қониқиш ҳиссиётлари жўш урди. Чунки, бу нутқда мустақилликнинг қисқа бир даври мобайнида эришилган ютуқларимиз, келажакда амалга ошириладиган вазифаларимиз аниқ-равшан тавсифлаб берилган. Менда нутқдаги ўтмиш меросимиз, мафкура, маънавият, маданиятимизни камол топтириш, жамиятимизда диний қадриятларнинг ўрни хусусидаги фикрлар, айниқса, катта таассурот уйғотди. Бунинг боиси бор, албатта. Зеро, ота-боболаримиз дини, ҳақиқатан ҳам Президентимиз айтганидек, иймон, ахлоқ, диёнат, ҳалоллик, маърифат нуқтаи назаридан ниҳоятда қимматлидир. Бинобарин, дунёвий ва диний таълимотлар уйғунлашган бизнинг мамлакатимиз истиқболи чиндан ҳам ёруғ ва равшандир. Ана шу истиқболни яқинлаштириш, дориламон кунларни бирга баҳам кўриш Президентимиз бошчилигида ҳаммамизга насиб этсин. Мен Оллоҳдан шуни сўраб қоламан.

**О. ТУРСУНОВ,**
**меҳнат фахрийси.**

## КЕЛАЖАКНИ ЎЙЛАБ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ республикамиз Олий Мажлисининг сессиясидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуидаги маърузалари ҳамма қатори биз ўқитувчиларда ҳам ниҳоятда катта таассурот уйғотди. Маърузани ўқиб чиқар эканмиз, уч йил ичида чиндан ҳам республикамизда сезиларли ўзгаришлар юз берганлигини билиб олдик. Мамлакатимизни жаҳон таниганлиги, Конституциямизнинг қабул қилиниши, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш йўлидаги саъи-ҳаракатлар, маданиятимиз, инсон қадр-қимматига бўлган эътиборнинг ортиши, янги сўмимизнинг қабул қилиниши — буларнинг ҳаммаси истиқлол самараларидир.

Маърузада халқ таълимига алоҳида эътибор берилган. Бундан буён бу соҳани давр талабига мос равишда ривожлантириш, илғор технологияларни чуқур тушунадиган, компьютерларда бемалол ишлайдиган билимли, маънавий жиҳатдан баркамол кадрларни етиштириш хусусидаги фикрлар жуда ўринлидир. Бунинг учун эндиликда биз мактабларда таълим-тарбия ишларини замонавий йўлга қўйишимиз, келажак кадрларни етиштиришимиз лозим.

Олий Мажлис сессиясида Президент ваколатларини 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ Референдуми ўтказиш тўғрисидаги қарор ҳам ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат сифатида қайта аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Президент ҳамда бошқа ижроия идоралар ҳамкорлигидагина биз Олий Мажлис сессиясида белгилаб олинган улкан вазифаларни амалга ошириш имконига эга бўламиз. Шунинг учун ҳам сессия материалларини ва Олий Мажлис қарорини барча ўқитувчилар каби биз ҳам тўла маъқуллаймиз.

**А. РУСТАМОВ,**
**Оҳангарон шаҳри.**

*Сўз-мукофот соҳибларига*

**НАВРЎЗ АРАФАСИДА РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИ ҲУКУМАТИМИЗ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. УЛАР ОРАСИДА ВИЛОЯТИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВАКИЛЛАРИ ҲАМ БОР**

## ЙЎЛИМИЗ ОЙДИН ЙЎЛ

«Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа, — деди Президентимиз И. Каримов ўзининг Олий Мажлис сессиясидаги дастурий маърузасида, — мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти — мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат».

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқаришни изчил равнақ топтиришнинг бундан ўзга истиқболли йўли йўқ. Ҳаётнинг ўзи буни тўла исботлаяпти, бунга ўзимиз амин бўлиб турибмиз. Шундай экан биз ана шу йўлга, мақсадга амал қилишимиз керак.

Юртбошимизнинг айрим раҳбарлар номига айтган танқидий гапларига тўла қўшиламан. Раҳбарларга жуда кўп нарса боғлиқ. Айниқса, ер-мулкни бўлашиб бериш, хусусийлаштириш масаласида, тўғриси, кўпларнинг ё юраги бетламайди, ё бўлмаса ислоҳотлар моҳиятини чуқур тушунмайди. Энди кутишнинг вақти ўтди, давр ва талаб ўзгаряпти.

Биз хўжалигимизда ислоҳотлар йўлини маҳкам тутиб иш кўраяпмиз. Ҳақига ўтиб гапириш керак, қийинчиликлар бор, лекин, ўзгаришни сезаяпмиз, кам бўлмаяпмиз. Ўтган йили ишлаб чиқаришнинг деярли ҳамма соҳаларида дуруст кўрсаткичларни қўлга киритдик. Пилла, ғалла, пахта, сабзавот режалари ошириб бажарилди. Даромадимиз, халқимиз таъминоти яхши бўлди.

Янги хўжалик йилимиз ҳам яхши бошланаяпти. Наврўз байрамига катта ҳажмдаги дала ишларини бажариб қўйган ҳолда келдик. Техникамиз чигит экишга тахт, етарли миқдорда сифатли уруғлик жамғариб қўйганмиз.

Орзуга айб йўқ. Порлоқ кунларга иймон келтирганмиз. Ўша кунларга тезроқ етиш учун Президентимиз ваколатини узайтириш учун 26 март куни ўтказиладиган умумхалқ референдумида бутун қишлоғимиз аҳли билан якдил бўлиб, ўз овозимизни берамиз.

**Мирсаид АБДУКАРИМОВ,**
**Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа хўжалигининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.**

## ЮРТИНИ АРДОҚЛАГАН-ЎЗИНИ АРДОҚЛАЙДИ

Мустақиллик туфайли биз — дала меҳнаткашларига ҳамма ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлар яратиб берилган ажойиб бир даврда яшаяпмиз. Ерли-сувли, мол-мулкли бўлдик. Юртбошимиз «Элим бойисин, рўшнолик топсин», деб юрагида ўти бор ҳар бир тадбиркор, иқтидорли ҳар бир ишбилармонни эзгулик йўлига бошлаяпти, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатяпти, энг зарур шарт-шароитларни яратиб беряпти.

Мушоҳада қилиб кўрсам, бундай дориламон кунларни, ҳатто, боболаримиз ҳам кўришмаган. Мана шу Наврўз субҳидамида эзгу бир ўй фикримни банд этди: «Энди чинакамига енг шимариб ишлайдиган, ўзлигингни, ирodангни кўрсатадиган дамлар етиб келмадимикан?! Ахир халқимиз фаровонлиги, юртимиз тўкинчилиги айнан шунга боғлиқ-ку!»

Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Қийинчилиги бўлмаган ҳеч бир иш йўқ. Ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Журъат қилдик, изладик, топдик. Ҳозир аҳволимизни анча ўнглаб олганмиз. Бугунги кунда 100 бош қорамолимиз бор, Халқимиз дастурхонига 70 тоннадан ортиқ сут, 50 тоннагача гўшт етказиб бераяпмиз. Қўшимча сабзавотчилик билан ҳам шуғуллана бошладик.

Ишимиз, рўзғоримиздан кўнглимиз тўқ. Бундан буён ҳам янада ғайрат-шижоат билан ишлайверамиз.

**Султонхўжа МУҲИДДИНОВ,**
**Зангиота туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалиги фермери.**




## ВИЛОЯТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

***Бугун эрта тонгдан республикамизнинг барча ҳудудларида халқимизнинг энг азалий ва шукуҳли байрами — Наврўз шодиёналари бошланиб кетди. Шу жумладан, пойтахт вилоятида ҳам айём катта тантаналар билан давом этмоқда. Қуйида ана шу байрам қаерда, қандай нишонланиши ҳақида ҳикоя қилинади.***

*НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?*

### БЎКА

Наврўзни бўкаликлар ҳар йилдагидек мароқли, мазмунли, файзли ўтказиш учун ҳаракат қилдилар. Бу қутлуғ дамларда айниқса, меҳр-оқибат риштaларини янада мустаҳкамлаш, инсон қадр-қимматини улуғлашга ғоят катта эътибор берилади. Жамики тантаналар, қутловлар, йўқловлар моҳияти ана шунга қаратилади. Ҳисоблаб чиқишибди. Бўка шаҳридаги маҳаллаларда 600 га яқин ёрдамга муҳтож оилалар бор экан. Ана шу оилаларга баҳоли қудрат ҳиммат кўрсатиш учун катта-кичик корхоналар бел боғлашган. Масалан, Тошлоқ маҳалласига «Ўзтуркакуммаш» корхонаси маъмурияти ўз саховатини кўрсатади.

124 оилага келишилган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек кундалик рўзғор буюмлари тарқатиб чиқилади, топширилади.

Шу куни қариялар, кексаларнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш, кўнглини сўрашга катта эътибор берилади. 103 ёлғиз қария бор экан. Уларнинг уйларига туман мутассадилари, раҳбарлар шахсан ўзлари ташриф буюриб, совға-саломлар топширишди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ҲИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ҲИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1968-1977 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1995 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 17 март.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

# Келиб Наврўз берди шодликдан дарак,

## ДИЛДА ОРЗУ ДЕГАН ЛОЧИН БОР ЭКАН...

**Ойдин ҲОЖИЕВА**
**Ўзбекистон халқ шоири, республика миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси раиси.**

МЕҲНАТ қилишни билган, ўзини қадрлаган халқ байрам ўтказишни ҳам билади... Айниқса, миллий, анъанавий байрамларнинг санъат даражасида нишонланиши мустақил юртимизга келган ҳар бир меҳмонни, ҳатто, юксак тараққий этган хорижий мамлакатлар вакилларини ҳам лол қолдиргани, ўзбекларнинг тантилиги, ўз удумларига содиқлигига тан берганлиги ва бу қадимий юртга меҳр-муҳаббат кўзи билан қарай бошлаганлиги бежиз эмас. Аммо биз бундай том маънодаги ёруғ кунларга, ўзлигимизни бутун бўйбастимиз билан намоён эта олиш имконини берадиган озодлик йўлига осонликча етганимиз йўқ...

Бир замонлар бир-бирини Наврўз билан қўрқа-писа қутлаган эл, не бахтки, бугун шодлиги дарёдай тошиб, ўтовлар тикиб, дошқозонлар қуриб, қувончини қўшиқ қилиб шодиёнага чиқмоқда. Энг мухташам майдонлар, кўркам дала-боғларда карнай-сурнай садолари янграмоқда. Бутун бир юртда тўй-тантана...

Дарвоқе, бу йилги Наврўзнинг қиёфасидан ҳаяжонга тушмай илож йўқ. Эҳ-ҳе, халқ қўшиқлари, лапарлари, жийдагуллари, исириқлари, омочлари, буғдой-майсалари, кўзни оладиган миллий либослари, карнай-сурнайлари билан бунда гўё бутун Ўзбекистон жам бўлади. Назаримда халқ ўз байрами арафасида қадим миноралардай юксалиб, қўллари юлдузларга ета бошлагандай, унинг теран томирлари шу қадим тупроққа янада чуқурроқ ўрнашаётгандай...

Бу йилги Наврўз мустақилликнинг тўртинчи баҳори. Ер уйғонаётган, ҳализамон қалдирғочлар бошимизда чарх урадиган, сумалак қайнаётган қозонлар атрофида фаришталар айланадиган ҳосиятли бир палла бу!

Хўкизнинг шоҳини мойлаб, унга инжа шеър бағишлаб, далага қўш чиқарадиган деҳқон юрагида ҳам Наврўз офтоби...

*Хинолар боғланур токлар тошига,*
*Кийиклар чоғланур булоқ бошига,*
*Далага ошиққан деҳқон қўшига,*
*Тупроқ — бахмал қавиқ гул бўлсин энди!*

Бу дилбар манзаралар, тинч-осуда кунлар юртимиздаги ижтимоий барқарорлик, миллий тотувлик, ҳамжиҳатликнинг самарасидир. Мен файзли Наврўзимизнинг ҳаяжонли, фароғатли кунларига катта сиёсий тадбир — 26 мартда бўладиган Референдум уланиб кетишида рамзий маъно туяман. Энг эзгу, энг қутлуғ ишларини асосан Наврўз паллаларида амалга оширишга интиладиган, бу даврнинг чиндан ҳам хайрли эканлигига ишонган халқимиз шу куни жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган яна бир муҳим сиёсий масалани ҳал этишга чиқадилар.

Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ютуқлари, жамиятни тараққий эттиришга қаратилган режаларнинг бирин-кетин амалга ошаётгани, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги нуфузини балантлатиш учун қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг нишона кўрсата бошлагани ҳукуматимиз, айниқса, республика Президенти Ислом Каримовнинг улкан инқилобий ишлари, ислоҳотлари билан боғлиқлигини қайд этиш жоиз деб ўйлайман. Ўз қадр-қимматини, озодлигини олтинга бермайдиган доно халқимиз бугунги Мустақилликни асраб-авайлашга, уни ҳар қандай чет шамолларидан ҳимоя қилишга, бир фарзанд каби соғ-саломат улғайтиришга қодирдир. Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармасининг бугунги кундаги мақсади ва фаолияти ҳам ана шу эзгу ният асосига қурилган, десам хато бўлмас. Жамғармамизнинг эл-юрт фаровонлиги, бахт-саодати, мустақил Ватан равнақи ва миллий камолот йўлида амалга ошираётган ва оширажак режалари бисёр.

Мен бир ижодкор сифатида, аёл ва она сифатида юртимизнинг тинчликсевар кишиларини, шу жумладан, Сиз азиз муштарийларни қадр ва иймон, меҳр ва мурувват байрами — Наврўз билан қутлайман. Токи, юрагимизда шижоат, тилагимизда эзгулик яшар экан, бу юрт тупроғи сарғаймагай, тоабад гуллаб-яшнагай...

### БИРЛИКНИ, ҲУРЛИКНИ ЗИЙНАТ ҚИЛ

*Ҳазрат Яссавийнинг дуоси бўлиб,*
*Чечан момоларнинг мероси бўлиб,*
*Кўҳна жароҳатлар шифоси бўлиб,*
*Бир боғлам бойчечак,*
*Бир боғлам ялпиз,—*
*Суюнчилаб келдинг элимга, Наврўз.*

*Омочлар айланиб нуқра-кумушга,*
*Навдалар дўнадур сайроқи қушга,*
*Айёми Ажузга, ялмоғиз қишга —*
*Қулфу калит солиб, хислати юлиб,*
*Суюнчилаб келдинг дилимга, Наврўз!*

*Алвон гилам ёзиб шаҳри вайронлар,*
*Боғлардан бадарға зоғу зоғонлар,*
*Ўпирилиб онгдаги темир-тўғонлар,*
*Шиддат-шиор ила тошқин ор ила*
*Суюнчилаб келдинг йўлимга, Наврўз!*

*Сен ўғлоң-қизимга ёшлик, шижоат,*
*Истиқлол-сўзимга сидқу садоқат*
*Ва кўнгил кўзимга нури ҳидоят...*
*Толиби савобман,*
*Матлабинг — савоб,*
*Фақат сен тош қўйма қўлимга, Наврўз!*

*Бандангга не бердинг — беминнат, эгам!*
*Жон нархи олтиндан ҳам қиммат, эгам!*
*Ўзи пок, сўзи пок, пок тийнат эгам,*
*Ҳурликни, бирликни зийнат қил бу дам,*



## БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ЎТОВИМИЗГА

ТУМАНИМИЗ кўп миллатли, буни биргина бизнинг бригадамиз мисолида кўриш мумкин. Ўтган йили кузда даламизга суратчи мухбир келди. Бригада бошлиғи Исмоил Бурҳонов бирпастда унинг илтимосига кўра илғорларни йиғди, ўн кишининг ҳаммаси турли миллат вакиллари эди. Ўзбек, қозоқ, рус, корейс, татар, қорақалпоқ, уйғур миллати фарзандлари бир сафда турдик. Мухбир байналмилал оила тўпланганлигидан хурсанд эди. Ўтовимизни севина-севина суратга туширди.

Ҳа, шундай. Бизнинг бир неча йиллардан буён муваффақиятга эришаётганимизнинг боиси турли миллат вакилларининг бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганлигимиз туфайлидир. Ўтган йили ўн миллатга мансуб 51 кишидан иборат бригадамиз 32 гектар пахта майдонидан 30 центнердан ҳосил олди. Маккажўхори, сабзавот бўйича ҳам йиллик режаларимиз ортиғи билан бажарилди. Бугун ана шу дўстлик туйғуси билан туман бош майдонига йиғилдик. Умумхалқ айёмига айланган Наврўзни биргаликда нишонлаймиз. Эрта-индинга эса бизни бўрсилдоқ далалар кутяпти. Яна бир оила фарзандларидек бўлиб енг шимариб иш бошлаймиз.

**Эрмон МОЛДАБЕКОВ,**
**Юқоричирчиқ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалиги аъзоси.**







## ЯНГИЙЎЛ БАЙРАМ ЛИБОСИДА

Куни кеча Янгийўл шаҳрининг «Наврўз» даҳасида 36 хонадонли янги турар-жой биноси қурилиши битказилиб, ўз эгаларига топширилди. Шаҳар сут маҳсулотлари заводи қошидаги савдо дўконида янги бўлим очилди. Янгийўлликлар бу билан янги, сифатли сут маҳсулотлари харид қилиб олиш имконига эга бўлдилар.

Шаҳар марказида байрам муносабати билан ташкил қилинган савдо ярмаркасида эса харидорлар учун зарур озиқ-овқат ва кенг халқ истеъмол моллари йигирма фоиз арзонлаштирилган ҳолда сотилмоқда.

**Суратларда; (юқоридан пастга) шаҳар савдо маркази байрам либосида; шаҳар ҳокими биринчи муовини С. Умрбоев хонадон соҳибларига янги уй калитларини топширмоқда; Янгийўл озиқ-овқат саноати технологияси коллежида Наврўз муносабати билан бўлиб ўтган тантанадан лавҳа.**

**Д. АҲМАД олган суратлар.**

## МЕҲР ҚОЛУР...

Ўзбекистон Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг микдорларини ошириш тўғрисида»ги сўнгги фармони асосида бошқармамиз зудлик билан иш олиб борди. Пенсиялар қайтадан кўриб чиқилиб, улар шаҳарлар ва туманлар почта алоқа бўлимларига ўз вақтида топширилди. Суғурта фондидан пенсияга пул ўтказилди. Бу маблағнинг Наврўз байрамигача ўз эгаларига етказилганлиги айни муддао бўлди.

Бу қутлуғ айём кунларида вилоятимиз шаҳар ва туман ҳокимликлари, ташкилотлари, корхоналари ёлғиз кексалардан, уруш ва меҳнат фахрийларидан, кам таъминланган оилалардан ўзларининг мурувватларини дариғ тутмадилар.

Хусусан, Бўка тумани ижтимоий таъминот бўлими ходимлари 34 нафар биринчи гуруҳ ногиронлари, 120 нафар уруш туфайли қаровчисини йўқотган кексаларни йўқлаб, улар хонадонларига Наврўз қувончларини улашдилар.

Олмалиқ гўшт комбинати эса Оҳангарондаги қариялар ва ногиронлар уйи ва руҳий хасталиклар шифохонасидагилар учун байрам дастурхони тузаб, уларга совға-саломлар тарқатишди.

Вилоят ижтимоий таъминот бўлими ходимлари шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ажратилган 44 та ногиронлар аравачасини ҳам Наврўз арафасида муҳтожларга топширишди.

**Н.НАЗИРОВ,**
**вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи.**

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

### ОҚҚЎРҒОН

Оққўрғон марказини бугун кўриб кўз қувнайди. Шаҳарда катта қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, ургутликлар услубида бунёд этилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари янги гўзал манзара кашф этиб турибди.

Бугун туман марказидаги ўйингоҳга узоқ-яқиндан келган одамлар қиёфасида қувонч, ички бир масрурлик акс этади. Чунки бу йил Наврўз ўзига хос, муҳим воқеаларга бой бир паллада кириб келди. Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг I-сессияси, Президентимиз И.Каримовнинг ундаги дастурий маърузаси, 26 март кунига мўлжалланган умумхалқ референдуми ана шундай воқеалар жумласидандир. Оққўрғонликлар ана шулар таассуроти остида. Наврўз тантаналарига тўпланишган. Шаҳар марказидаги оммавий сайллар, ўйин-кулги, хурсандчиликлар тугагач, улар фурсатни бой бермай далага, фермага, бунёдкорлик ишлари кутаётган масканларга йўл оладилар.

### ОҲАНГАРОН

Байрам арафасида туман бўйича шанбалик ўтказилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

60 га яқин ҳеч кими йўқ, ёлғиз кишилар, етим болалар, ночор оилаларга туман ҳокимлиги томонидан совға-саломлар топширилди.

Собир Раҳимов номли хўжаликда байрам айниқса кенг қамровли ташкил этилди. Хўжалик маъмурияти ёрдами билан хўжалик ҳудудидаги қишлоқ ва маҳаллаларга биттадан қўй, етарли миқдорда гуруч, ёғ ва сумалак учун зарур маҳсулотлар ажратиб берилди.

«Оҳангарон», Алишер Навоий номли, «Ўзбекистон» ва бошқа хўжаликларда ҳам байрам кўтаринки руҳда нишонланди.

«Шодималик» ижара ширкатида турли миллат вакиллари қозоқ, рус, татар, ўзбек ва бошқалар бир оила фарзандларидек аҳил яшайдилар. Бу ерда аҳоли Наврўзни ўз миллий байрамлари каби катта шодиёна билан нишонладилар. Сумалак, кўкатли таомлар пиширилди, карнай-сурнай садолари меҳмонларни салобатли ўтовларга чорлади. Қир бағрида турли спорт ўйинлари уюштирилди. Айниқса қадимий улоқ беллашуви байрам руҳини янада кўтарди. Бугун туман марказида Оҳангарон шаҳри меҳнаткашлари билан биргаликда ўтадиган тантаналарга барча нарса тахт қилиб қўйилган.

### ПАРКЕНТ

Бугун тонгдан карнай-сурнайлар садоси туманнинг барча фуқароларини байрам тантаналарига чорлайди. Тонгда Ичкиқўрғон маъмурий биносида меҳнаткашларга байрам оши тортиқ қилинади. Унга жамоа хўжаликлари, қишлоқлардан фахрийлар, меҳнаткашларнинг вакиллари таклиф этилади. Мазкур йилда биринчи марта аёлларга ҳам Наврўз оши тортилади. Эркаклар учун дамланган ошлар тарқатилгандан сўнг аёллар ташриф буюрадилар.

Умумий байрам шодиёналари соат 10.00 да туман ҳокимининг табриги билан бошланади. Шундан сўнг шаҳар марказидан ўзларига ажратилган ҳудудларда барча жамоа хўжаликлари кўзда тутилган байрам тадбирларини амалга оширишни бошлайдилар. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, худди ўтган йилдаги каби бу йилги Наврўз тантаналарида ҳам жамоа хўжаликлари бир-бирлари тадбирларини, ҳатто байрам таомларини такрорламаган ҳолда бу қутлуғ айёмни нишонлашади.

Шу куни тумандаги барча санъаткорлар, фольклор дасталари, «Паркент гуллари» халқ ансамбли жамоаси байрамға ташриф буюрганларнинг хизматида бўлишади.

Шаҳар марказида Наврўзга бағишланган катта савдо расталари ташкил этилади. Дурадгорлик, темирчилик, зардўзлик, каштачилик, тикувчилик, рассомлик, нақш, қандолатчилик маҳсулотларидан кўргазмалар ташкил этилади ҳамда савдо уюштирилади.

Наврўзни ҳайру саховат байрами, дедик. Шу куни саховатга муҳтож оилалар йўқланади. Шифохоналарга бориб беморлардан ҳол сўралади.

### ПИСКЕНТ

Барча энг яхши ҳислатларни ўзида мужассам этган Наврўзи олам Пискент туманида ҳам зўр шоду-хуррамлик билан давом этмоқда. Уни ўтказишга жуда барвақт қатъий режа асосида киришилганди.

16 март куни тумандаги мактаблараро «Наврўз» кўрик-танлови ўтказилди. Унда ўқувчилар Шарқ халқларининг қадимий ва ардоқли байрами — Наврўз, унинг тарихи ҳақидаги билимларини, саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Албатта, байрам дастурхони баҳорий неъматлардан пиширилган тансиқ таомлар билан безатилди.

Бу йилги Наврўз шодиёналари фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги тантаналарига уланиб кетади. Шу боис Оқтепа ва Дўнгқўрғон қишлоқларида бўлиб ўтган учрашувларда уруш қатнашчилари қайта тикланган Наврўзнинг ўзига хос хусусиятлари, жанггоҳ хотираларидан сўзлаб бердилар.

Туман марказида бугун эрта тонгда бошланган байрам дастуридан ҳам бир қатор тадбирлар ўрин олган. Хусусан, соат 12 да туман полвонлари Наврўз биринчилиги учун майдонга тушсалар, соат 15 да спортнинг энг оммавий тури — футбол бўйича туман биринчилиги учун мусобақалар бўлиб ўтади. Шунингдек ўтказилган: «Энг ораста кўча», «Энг покиза хонадон», «Ибратли маҳалла» каби танловлар ғолиблари ҳам аниқланиб, уларга туман ҳокимлигининг совғалари топширилади.

*Ҳорижликлар нигоҳида*

## «ЎЗБЕКИСТОННИ СЕВИБ ҚОЛДИМ»

**дейди Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саноатни ривожлантириш ташкилотининг Ўзбекистондаги директори ЖУЛИАН ВАТТС**



*Жаноб Жулиан ВАТТС. 1993 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саноатни ривожлантириш ташкилотининг Ўзбекистондаги директори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.*

**— Жаноб Ваттс, мана икки йилдирки, Сиз Ўзбекистонда яшаб, ишлаяпсиз. Энг катта нуфузли ҳамжамият ҳисобланмиш БМТнинг республикамиздаги вакилларидан бирисиз. Аввало Сизнинг юртимиз, халқимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, байналмилалчилик хусусидаги фикрларингизни билмоқчи эдик.**

— Юртингизга биринчи бора 1992 йилнинг октябрь ойида яқинроқ танишиш мақсадида келган эдим. Бунга қадар дунёда Ўзбекистон деган жаннатмакон юрт борлиги, унинг меҳнаткаш халқи, Тошкентдек гўзал пойтахти, Самарқанд, Бухоро, Хива каби ажойиб, қадимий, зиёратгоҳ шаҳарлари ҳақида илгарилари кўп эшитган эдим. Ана шу юртда бўлиш, уни яқинроқ билиш, хаж этиш иштиёқи менда кучли эди. Собиқ иттифоқ парчаланиб, унинг таркибидаги республикалар тарқаб кетганида ҳатто ана шундай давлатнинг бундан буёнги тақдири қандай бўлар экан, деб ўйлаган ҳам эдик. Лекин бу ердаги ўзгаришларни, Ўзбекистон мустақиллик йўлидан дадил қадам ташлаётганлигини, ўз тақдири, ўз ери, ўз бойлигига ўзи эга эканлигини эшитиб қувондик. Бу бой, истиқболи порлоқ давлат билан ҳамкорлик қилиш бемалол мумкин деган фикрга келдик.

Юқорида айтиб ўтганимдек, биринчи бор Ўзбекистонга қадам қўйганимдаёқ бу ерда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида катта ижобий ўзгаришлар рўй бераётганлигига гувоҳ бўлдим. Бунда эса озми-кўпми ҳиссамиз қўшилиши бизни бағоят хурсанд этади. Бизнинг ташкилотимиз Ўзбекистондаги корхоналарга чет эл сармоясини олиб кириш, бу ерда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусийлаштиришни чуқурлаштиришга кўмаклашиш мақсадида 1993 йилнинг ўрталаридан ўз фаолиятини бошлади.

Биласизми, очиғини айтишим керак, ўтган қисқа муддат ичидаёқ мен Ўзбекистонни севиб қолдим. Юртингиз мени ром этди. Унинг ниҳоятда меҳнаткаш, меҳмондўст, соддадил одамлари қалбимни забт этди. Улар ўз миллий анъаналарини жуда қадрлайдилар. Инсонийликни ҳар нарсадан устун қўядилар. Учрашганда дарров ишдан гаплашмайдилар. Аксинча биринчи бўлиб бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашади. Оиласи, соғлиғи ҳақида суриштиришади... Қолаверса, Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб , ҳар бир миллат ва элат бу ерда қадр топган. Улар ўзаро тинч-тотув, аҳил-иноқ яшашмоқда. Меҳмондўстликкаю, гап йўқ. Қаерда, қачон, қандай вазиятда бўлса ҳам меҳмон келса суюнади, борини меҳмонга тўкиб солади, унинг кўнглини олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун бўлса керак, «Меҳмон отангдан улуғ» деган ўзбек мақоли мағзини ҳам шу ерда чақдим. Ўзбек халқининг яна бир ажойиб фазилати ўйин-кулгини, санъатни севиши экан. Миллий санъатингизни юксак қадрлаган ҳолда замонавий опера ва балет санъатларини ривожлантирганлигингиз ҳам мени ҳайратга солди.

Бу ерда тўй-ҳашамлар, турли байрам ва тадбирлар ниҳоятда катта хурсандчилик билан ўтишини ҳам алоҳида таъкидламоқчи эдим. Ўзим ҳам Мустақиллик, Наврўз байрамларида иштирок этдим. Ушбу шодиёналардан олган катта таассуротимни, ҳаяжонимни таърифлаб ҳам беролмайман.

**— Жаноб Ваттс! Биз Сиз билан Наврўз айёми арафасида учрашиб турибмиз. Халқимизнинг ана шундай қадимий ва улуғ байрами ҳақидаги фикрларингиз...**

— Мени ўтган йили Наврўз байрами тантаналарига таклиф этишганида дастлаб у қандай байрам экан, деб ўйлаган эдим. Унда иштирок этгач, бу айём Шарқ халқларининг энг ардоқли ва шукуҳли байрами эканлигини, Наврўз янги йилни бошлаб беришини, шу кундан деҳқон ерга барака уруғи қадашини, баҳорий кўкатлардан энг хуштаъм нознеъматлар тайёрланишини, байрам дастурхони албатта, Наврўзнинг шоҳ таоми — сумалак ва ҳалимлар билан безатилишини билиб олдим. Боз устига бу ерда бундай муборак кунларда ёлғиз кимсалар, етим-есирлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга совға-саломлар улашишдек хайрли ишлар Наврўзнинг энг олижаноб байрам эканлигининг исботидир. Бундан ортиқ саховат бўладими?

Шу ўринда ана шундай қувончли кунларда Ўзбекистон халқи ҳаётида яна бир катта сиёсий воқеа юз беряпти. Яқиндагина бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг сессиясидаги республикангиз Президентининг нутқи билан биз хорижликлар ҳам чуқур танишиб чиқдик. Умуман Ўзбекистоннинг бугунги тутган йўли тўғрилиги, унинг келажаги порлоқлиги ҳақида бутун жаҳонда ижобий фикрлар айтиляпти.

Суҳбатимиз ниҳоясида эса «Тошкент ҳақиқати» муштарийларини, барча ҳамюртларингизни чин қалбдан улуғ айём билан қутлайман. Наврўз ҳар бир инсон қалбига, ҳар бир хонадонга қувонч улашсин! Хусусан, дилбар ва гўзал ўзбек аёлларига, фақат уларнинг ўзларигагина хос бўлган назокат ва ҳаё доимий ҳамроҳ бўлишини тилайман.

**— Сизни ҳам Наврўз билан муборакбод этамиз. Суҳбатингиз ва самимий дил сўзларингиз учун раҳмат!**

— Ташаккур!

**Суҳбатдош Зулхумор ЖЎРАЕВА.**

